**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**

**Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази**

**“Мактаб таълим жараёнини бошқариш тизими–xt.uzedu.uz”**нинг “Бўш иш ўринлари” бўлимига маълумотларни киритиш ва ундан фойдаланиш бўйича

# ЙЎРИҚНОМА

**Тошкент – 2018**

## xt.uzedu.uz тизимига таълим муассасаларига мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот киритиш бўйича

# ЙЎРИҚНОМА

Халқ таълими вазирлигининг "Мактаб таълим жараёнини бошқариш тизими – xt.uzedu.uz" базасида “Бўш иш ўринлари” бўлими орқали Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот олишингиз ёки Сизда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида эълон беришингиз мумкин. Саралаш орқали худудлар кесимида маълумотларни кўриш ва маълумотнома (объективка) юбориш имконияти мавжуд.

## Муассасалар томонидан “Бўш иш ўринлари” бўлимига маълумот киритиш тартиби

### “Бўш иш ўринлари” суб-бўлими

Даставвал муассасадаги тизимга маълумот киритиш бўйича масъул шахс ўз логин ва пароли билан тизимга киради. Қуйидаги ойна орқали:




Тизимга кирилгандан сўнг менюдан “Бўш иш ўринлари” бўлимининг “Бўш иш ўринлари” суб-бўлими танланади



Ушбу бўлим қуйидаги кўринишга эга:




Юқори ташкилот вакиллари ушбу ердан ўзларига тегишли худуддаги муассасалардаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари учун “Ташкилот” майдончасидан керакли ташкилот номи ҳамда “Муассаса” бўлимидан муассасани танлашлари керак бўлади. “Иш ўрнининг бандлиги” майдончаси орқали ушбу танланган ташкилотда бўш иш ўрнининг мавжуд ёки йўқлигига қараб саралаш имконияти яратилган. Бунинг учун ушбу майдончага сичқончанинг чап тугмаси ёрдамида бир марта босилганда “Бўш” ҳамда “Ходим олинди” ҳолатларидан иборат рўйхат келиб чиқади.




Кераклигини танлагандан сўнг, “Қидириш” тугмаси босилади.




Шундан сўнг ташкилотдаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар келиб чиқади.

Муассасада мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни тизимга киритиш учун экраннинг тепа ўнг қисмидаги “Қўшиш” тугмасидан фойдаланилади:




Ушбу тугма босилгач бўш иш ўрни ҳақида “Маълумот яратиш” ойнаси очилади:




Ушбу ойнада

- Лавозим даражаси
- Лавозим
- Иш тажрибаси
- Таълим
- Иш ўринлари сони
- Иш тури
- Тўлов шакли
- Ставка
- Маош
- Имтиёзлар
- Изох
- Иш ўрнининг бандлиги
- Мурожаат учун телефон рақами

майдончалари мавжуд бўлиб, улардан “*” (қизил рангли юлдузча белгиси) билан ажратиб кўрсатилганлари тўлдирилиши шарт ҳисобланади.

Баъзи майдончаларда қулайлик яратиш мақсадида уларга сичқончанинг чап тугмаси ёрдамида босилганда тегишли рўйхатлар келиб чиқиши дастурлаб қўйилган. Ушбу рўйхатлардан керакли маълумот танлаб босилиши керак бўлади.

Барча маълумотлар киритиб бўлингандан сўнг уларни тизимда сақлаб қўйиш учун экраннинг тепа ўнг бурчагидаги “Сақлаш” тугмаси босилади.




**“Тўлиқ маълумот” суб-бўлими**

Ушбу суб-бўлимда республика бўйича бўш турган иш ўринлари ҳақида маълумот олиш мумкин бўлиб, у қуйидаги кўринишга эга:




| № | Ish joyi | Lavozim | Ta’lim | Maosh | Stavka | Ish o‘rinlari soni | Ish o‘rnining bandligi | E’lon qo’yilgan sana | Hujjatlarni qabul qilish muddati | To‘liq ma’lumot (Talabgorlar soni) | Murojaat qilish |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Respublika tashklotlari >> Xalq ta’limi sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi | Haydovchi | O‘rta | 430000 | | 1 | Bo‘sh | 18.10.2018 16:49 | | To‘liq ma’lumot (2) | Murojaat qilish |
| 2. | Respublika tashklotlari >> Xalq ta’limi sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi | Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishni metodik ta’minlash bo‘yicha metodist | Ma‘lumoti yo‘q | 168464 | 0.25 | 1 | Bo‘sh | 22.10.2018 18:30 | 25.10.2018 | To‘liq ma’lumot (2) | |
| 3. | Jizzax viloyati >> G‘allaorol tuman 1 - sonli umumta‘lim maktabi | Rus tili fani o‘qituvchisi | Oliy | 650000 | 1 | 1 | Bo‘sh | 18.10.2018 14:33 | | To‘liq ma’lumot (0) | Murojaat qilish |
| 4. | Jizzax viloyati >> G‘allaorol tuman 8 - sonli umumta‘lim maktabi | Informatika va axborot tehnologiyalari fani o‘qituvchisi | Oliy | 550000 | 0.5 | 1 | Bo‘sh | 18.10.2018 14:36 | | To‘liq ma’lumot (0) | Murojaat qilish |
| 5. | Jizzax viloyati >> G‘allaorol tuman 8 - sonli umumta‘lim maktabi | Ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi | Oliy | 860000 | 1 | 1 | Bo‘sh | 18.10.2018 14:40 | | To‘liq ma’lumot (0) | Murojaat qilish |
| 6. | Jizzax viloyati >> G‘allaorol tuman 10 - sonli umumta‘lim maktabi | Ingliz tili fani o‘qituvchisi | Oliy | 1030000 | 1 | 1 | Bo‘sh | 18.10.2018 14:51 | | To‘liq ma’lumot (0) | Murojaat qilish |
| 7. | Jizzax viloyati >> G‘allaorol tuman 13 - sonli umumta‘lim | Chet tili fani o‘qituvchisi | Oliy | 1030000 | 1 | 1 | Bo‘sh | 18.10.2018 | | To‘liq ma’lumot (0) | Murojaat qilish |

Маълум бир ҳудуд ёки муассасадаги бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумот керак бўлса, саҳифа юқорисида жойлашган қидирув модулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун “Ҳудуд (тузилма)”, “Туман (тузилма)”, “Ташкилот”, “Муассаса”, “Лавозим даражаси” ва “Лавозим” параметрлари киритилиб, “Қидириш” тугмаси босилиши керак бўлади. Шунда керакли ҳудуд ёки муассасадаги бўш турган иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар жадвал кўринишида келиб чиқади.

**“Лавозим бўйича статистика” суб-бўлими**

Ушбу суб-бўлимда республика бўйича бўш турган иш ўринларининг лавозим турига кўра маълумот олиш мумкин бўлиб, у қуйидаги кўринишга эга:




| № | Lavozim nomlari | E'lon qilingan bo‘sh ish o‘rinlari soni | E'lon muddati tugagan ish o‘rinlari soni | E'lon bo‘yicha yangi talabgorlar soni | Ma’lumoti ko‘rib chiqilayotgan talabgorlar soni | Murojaati rad qilingan ta‘labgorlar soni | Ishga qabul qilingan talabgorlar soni |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 1-toifali mutaxassis | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2. | 2-toifali mutaxassis | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3. | Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etishni metodik ta’minlash bo‘yicha metodist | 0 | 1 | 1 | 0 | 1 | 0 |
| 4. | Biologiya fani o‘qituvchisi | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5. | Boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi | 9 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6. | Chaqiriqqacha tayyorlash fani o‘qituvchisi | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7. | Chet tili fani o‘qituvchisi | 8 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8. | Davlat xuquq asoslari fani o‘qituvchisi | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9. | Direktor | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 10. | Direktor o‘rinbosari | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 11. | Fizika fani o‘qituvchisi | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Маълум бир ҳудуд ёки муассасадаги бўш иш ўринларининг лавозим тури ҳақидаги маълумот керак бўлса, саҳифа юқорисида жойлашган қидирув модулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун “Ҳудуд (тузилма)”, “Туман (тузилма)”, “Ташкилот”, “Муассаса”, “Лавозим даражаси” ва “Лавозим” параметрлари киритилиб, “Қидириш” тугмаси босилиши керак бўлади. Шунда керакли ҳудуд ёки муассасадаги бўш турган иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар жадвал кўринишида келиб чиқади.

**“Ҳудуд бўйича статистика” суб бўлими**

Ушбу суб-бўлимда республика бўйича бўш турган иш ўринлари қайси ҳудудга тегишлилиги хақида маълумот олиш мумкин бўлиб, у қуйидаги кўринишга эга:




| № | Hudud(Tuzilma) | E'lon qilingan bo‘sh ish o‘rinlari soni | E'lon muddati tugagan ish o‘rinlari soni | E'lon bo‘yicha yangi talabgorlar soni | Ma’lumoti ko‘rib chiqilayotgan talabgorlar soni | Murojaati rad qilingan ta‘labgorlar soni | Ishga qabul qilingan talabgorlar soni |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Malaka oshirish institutlari | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2. | Respublika tashklotlari | 4 | 0 | 1 | 1 | 2 | 0 |
| 3. | Pedagogika Institutlari | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4. | Qoraqalpog‘iston Respublikasi | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5. | Andijon viloyati | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6. | Buxoro viloyati | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7. | Jizzax viloyati | 48 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8. | Qashqadaryo viloyati | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9. | Navoiy viloyati | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 10. | Namangan viloyati | 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 11. | Samarqand viloyati | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Маълум бир ҳудуд ёки муассасадаги бўш иш ўринлари сони ҳақидаги маълумот керак бўлса, саҳифа юқорисида жойлашган қидирув модулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун “Ҳудуд (тузилма)”, “Туман (тузилма)”, “Ташкилот”, “Муассаса”, “Лавозим даражаси” ва “Лавозим” параметрлари киритилиб, “Қидириш” тугмаси босилиши керак бўлади. Шунда керакли ҳудуд ёки муассасадаги бўш турган иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар жадвал кўринишида келиб чиқади.

*Телеграм орқали https://t.me/XtUzeduUz ҳаволасидан “**Мактаб таълим жараёнини бошқариш тизими – xt.uzedu.uz**”ни қўллаб-қувватлаш гуруҳига мурожаат этиб xt.uzedu.uz дастурига маълумотларни киритиш бўйича амалий ёрдам олишингиз мумкин.*

*Тизим бўйича техник ёрдам, таклифлар бўйича ёки тизим ишламай қолса Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ((+99871) 202-13-93 (ички рақам 500 ёки 102га), (+99871) 223-16-31, (телеграм орқали @IsmoilovSardor, @muminov_s, @KayumovS, @Alimov_A))га мурожаат этишингиз мумкин.*